

# ТОШКЕНТ ОҚШОММИ

2008 йил, 5 май, Душанба

**XXI АСР САДОСИ**  
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 85 (11.146)

Баҳоси эркин нарҳда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

**ИККИ КУН ДАВОМИДА ШАҲРИМИЗДАГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ КЎРГАЗМАЛАР ЗАЛИДА ТОШКЕНТ ШАҲАР ХУДУДИЙ САНАОТ ЯРМАРКАСИ ИШ ЮРИТДИ. УШБУ ТАДБИРНИ ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР ХУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ ҲАМКОРЛИҚДА ТАШКИЛ ЭТИШДИ.**

Шаҳримиз иқтисодий салоҳияти жиҳатидан етакчи ҳудудлардан ҳисобланади, хусусан, янги ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг 15 фоизи, саноат товарларининг 12 фоизи, хорижий инвестицияларнинг 16 фоизи пойтахтимиз ҳиссасига тўғри келмоқда. Мазкур ҳудудий саноат ярмаркасига ташир буюрғанлар, дарҳақиқат, шаҳримизда фаолият юритаётган кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари, маҳаллийлаштириш дастури асосида фаолият юритаётган, импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг эришган самарали ютуқларининг гувоҳи бўлишди. Ташкилотчиларнинг саяёҳаракатлари тўғрисида кўргазмалар залида қатнашчиларга, ташир буюрувчиларга ҳам қўлайлик яратилганлиги эътироф қилинди. Экспозиция, стендларда ҳар бир корхона, хусусий тадбиркорларнинг фаолият до-

ҳим аҳамият касб этмоқда, — дейди Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси бошлиғи Шавкат Мирзаев.

— Жумладан, шаҳримизда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 ноябрдаги «Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳаётга



моқда; «Тошкентмебель» акциядорлик жамияти (ётоқхона термалари, замонавий горка, харидорғир юмшқоқ мебеллар ҳамда халқ истеъмоли моллари); SIMAKS-PARS» масъулияти чекланган жамияти (маҳаллийлаштириш дастури асосида унумли иш юритиб мебелсозларга паролон тайёрлайди); жумладан, «MEHNAT-HALOL», «Tian shan Garant» шўба корхоналари (сифатли ва рақобатбардор курилиш материаллари) ҳақида илиқ гаплар айтиш мумкин. Шунингдек, «PGS» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси, «Mirsazava» ишлаб чиқариш корхоналарининг электр маҳсулотлари, «Асбосоз» очик акциядорлик жамияти, «TASHKENT PLANT» компрессор заводининг маҳсулотларини алоҳида таъкидлаш ўринли. Бундан ташқари, ярмарка иштирокчилари орасида фармацевтика соҳаси ривожига ҳам яққол кўзга ташланди. Масалан, «Supramed», «Agro bio kimyo», «REMEDY» «A.B.BIOKOM» масъулияти чекланган жамиятлари, «Нихол» тажриба заводи, «JURABEK LABORATORIES LTD» кўшма корхоналари бунга мисол бўла олади.

Кўплаб хусусий бизнес субъектлари ҳам ўзларининг тикувчилик, озиқ-овқат маҳсулотлари, гигиеник воситалари билан ярмаркада қатнашишди, маҳорат ҳамда тажриба меваларини намойиш қилишди.

— Бугунги саяёҳаракатларимиз, — дейди хусусий тадбиркор Шароф Рўзиев, — элимиз қорига яраш, халқимиз фаровонлигини таъминлаш, «Ўзбекистонда тайёрланган» ёрликли корхоналар маҳсулотларининг жаҳон бозорига янада мустаҳкам ўрин эгаллашида, харидорлари сафи орттишида намойён бўлмоқда.

**Мухаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА СУРАТЛАРДА: ТОШКЕНТ ШАҲАР ХУДУДИЙ ЯРМАРКАСИДАН ЛАВҲАЛАР. НАТАЛЬЯ СЕМЁНОВА ОЛГАН СУРАТЛАР**



иралари, тайёрлаётган маҳсулотлари, хизматлари, ҳуллас, уларнинг изланиши ва маҳоратлари яққол намойён бўлди.

— Юртимиз, хусусан, пойтахтимизда иқтисодий тараққиёт асосини ташкил этган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига давлатимиз томонидан жуда катта эътибор қаратилаётганлиги уларнинг фаолиятида му-

қонг таъкид этилаётгани эътиборга моликдир. Бугунги саноат ярмаркаси айна шу кўрсаткичларни намойиш этиш ҳамда йирик саноат корхоналари билан кооперация алоқаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши, шубҳасиз. Бугунги кунда иқтисодий ривожлантириш, юмшқоқ унумли замонавий техника ва илғор технологиялар билан жиҳозланган янги корхоналарни барпо этиш ҳамда реконструкция қилиш учун хорижий сармояларни жалб қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш соҳаси ва касаначиликни ривожлантириш нечоғлик катта аҳамият касб этишини аниқ ва яққол кўриб турибмиз. Яъни, бунинг ҳаммаси биринчи навбатда аҳолининг бандлиги, иш ҳақи ва даромадларини оширишга, қўшимча иш ўринлари яратилишига катта ҳисса бўлади.

— Худудий ярмаркада 60 дан ортиқ кичик корхона, фирмалар, хусусий тадбиркорлар курилиш, мебел ва бошқа маҳсулотлари билан қатнашмоқдалар. Хусусан, «AZN» масъулияти чекланган жамияти («Хозирда бир ойда корхона 100 дан ортиқ саноат музлаткичлари ва савдо жиҳозлари ишлаб чиқари-

корликларида уюштирилди.

• **ЮНУСОБОД** туманидаги 271-мактабда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги муносабати билан уюштирилган тадбирда мактаб ўқувчилари, ўқитувчилари, «Шодлик», «Кулолқўрган» маҳаллалари фаоллари иштирок этишди.

• **БҮГУН** Ҳамза туманида туман маданият ва спорт ишлари бўлими ташаббуси билан Ёшлар йилига бағишлаб уюштирилган тадбир «Оилада ёшларнинг



3 май — Жаҳон матбуот эркинлиги кўнига бағишлаб ўтказилган маъруза тадбирида юртимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари ходимлари, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, халқаро

«ОЛТИН ҚАЛАМ»НИНГ ЯНГИ СОВРИНДОРЛАРИ

«ТУРКИСТОН» САРОЙИДА ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА «ОЛТИН ҚАЛАМ» УЧИНЧИ МИЛЛИЙ МУКОФОТИ УЧУН ХАЛҚАРО ТАНЛОВ ҲОЛДА ҚИЛДИРИЛДИ. ТАҚДИРЛАШГА БАҒИШЛАНГАН ТАНАЛИ МАРОСИМ БЎЛИБ ЎТДИ.

ташкilotлар, дипломатик корпус вакиллари, олий ўқув юртинининг журналистика факультети профессор-ўқитувчилари, талаба-ёшлар иштирок этди.

(Давоми 2-бетда).

ассоциацияси ташаббуси билан уюштирилган тадбир Бутунжаҳон матбуот эркинлиги кўнига бағишланди.

• **ЎТГАН** кун Тошкент Давлат юридик институтида тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш қондалари бағишлаб ўтказилган тадбирда ҳуқуқшунослар, ўқитувчилар ва талабалар иштирок этишди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

9 май — Хотира ва Қадрлаш кўнига бағишланган кўргазмада ўнга яқин ижодкорларнинг ўттиздан зиёд турли мавзудаги асарлари намойиш этилди.

— Кўргазмага қўйилган асарларнинг кўпчилиги қисми натюр-морт, рангтаъсир ва портрет жанрида ишланган суратлар, — дейди музей илмий ходими Дипломат Раҳимова. — Бу суратларда она-юртимизнинг гўзал манзараси, мафтункор табияти, меҳнаткаш одамлари акс эттирилган.

Ўз ишлари билан қатнашаётган рассомларнинг учтаси уруш қатнашчиларидир. Уларнинг асарлари ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ватанга садоқат туйғуларини шакллантиришга йўналтирилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

В. Лысовнинг «Беги», В. Акудиннинг «Қадимий Тошкент», Н. Ильченконинг «Лолақизгалдоқ»,

## ЭЪТИРОФ ВА ЭЪТИРОМ ТИМСОЛЛАРИ

**5 МАЙ - «ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ» УНВОНИ ВА «ОЛТИН ЮЛДУЗ» МЕДАЛИ, «МУСТАҚИЛЛИК», «ДЎСТЛИК» ОРДЕНЛАРИ ҲАМДА «ЖАСОРАТ», «ШУҲРАТ» МЕДАЛЛАРИ ТАЪСИС ЭТИЛГАН КҮН.**

Мана, қарийб 17 йилдирки, озод юрда яшаётимиз. Бу фурсат тарих олдида арзимас лаҳзалардек туюлса-да, мамлакатимизда шу қисқа даврда асарларга татигулик ишлар амалга оширилди. Бу йўлда бошқаларга ўрнак кўрсатиб, халқ ва Ватан манфаати йўлида фидокорона хизмат қилаётган инсонлар меҳнатини муносиб баҳолаш, моддий ва маънавий рағбатлантириш Президентимиз Ислам Каримов юритаётган сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган.

Миллий давлат мукофотлари жорий этилиб, уларнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан парламентимизнинг 1994 йил 5-6 май кунлари бўлиб ўтган сессиясида «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони ва олий нишон - «Олтин юлдуз» медали, «Мустақиллик», «Дўстлик» орденлари ҳамда «Жасорат», «Шуҳрат» медалларини таъсис этиш тўғрисидаги қонунлар қабул қилинди.

«Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонининг таъсис этилиши мамлакатимиз тарихида муҳим воқеадир.

«Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони давлатимизнинг олий даражадаги мукофоти бўлиб, мамлакатимиз фуқароларига, айрим ҳолларда Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахсларга ҳам давлат ва халқ олдидаги қасримонона жасорат кўрсатиш билан боғлиқ хизматлари учун берилди. «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони билан тақдирланган шахсга «Олтин юлдуз» медали ва унвон берилганлиги тўғрисидаги ҳужжат тантанали равишда топширилади.

(Давоми 2-бетда).

## 42-Халқаро Менделеев олимпиадаси

## БИЛИМДОНЛИК КЎРИГИ ҲОЛДА БЎЛДИ

**КЕЧА МАМЛАКАТИМИЗДА ИЛК МАРТА ЎТКАЗИЛГАН 42-ХАЛҚАРО МЕНДЕЛЕЕВ ОЛИМПИАДАСИ ПОЁНИГА ЕТДИ. ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ЁШЛАРИН УШБУ НУФУЗЛИ ФОРУМИДА ЎЗБЕКИСТОНЛИК ЁШЛАР ҲАМ МУНОСИБ ИШТИРОК ЭТИШДИ.**

Эслаб ўтамиз, бундай ўзига хос билимдонлар олимпиади характерда республикамиз ўқувчи ёшлари 1997 йилдан буён қатнашиб келаётган бўлса, ўтган вақт ичида ўғил-қизларимиз еттига бронза медалига эга бўлишган.

Тошкент шаҳрининг галдаги Менделеев олимпиадаси пойтахти этиб белгилангани бежиз эмас, албатта. Бунга, муболағасиз, авваламбор юртимизда келажакка йўрилган таълим соҳасидаги ютуқларимиз асос бўлди. Президентимиз ташаббуси билан жорий этилган Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури ўтган ўн йилдан зиёд давр мобайнида ўз самарасини бераётди. Биринчи навбатда бу ўқув юртинининг бутун тизимида — мактабгача таълим муассасаларидан бошлаб то олий даргоҳларда ҳам шакллантирилган замонавий моддий-техник негизда ўз аксини топган. Академик лицей ва касб-хунар коллежлари тимсолида ўрта махсус таълим тизими муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Хорижий экспертлар томонидан бу борадаги саяёҳаракатларимиз чўқур ўрганилиши ва кенг тажриба алмашуви йўлга қўйилиши ҳақида кўплаб фикр-мулоҳазалар билдирилаётгани ҳам эътиборлидир.

(Давоми 2-бетда).

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ МАРКАЗИЙ МУЗЕЙИДА «ЎЗБЕКИСТОН — ОНА ЮРТИМ» КЎРГАЗМАСИ ОЧИЛДИ.

9 май — Хотира ва Қадрлаш кўни

## «ЎЗБЕКИСТОН — ОНА ЮРТИМ»

В. Зайцевнинг «Куз» каби асарлари кишига ўзгача руҳ бағишлайди. Рангларнинг уйғунлашуви ва ҳаракатнинг таъсирли ҳаётлар оғушига чорлайди.

— Р. Шарофутдиновнинг «Емгирдан кейинги дала» асари менга жуда ёқди, — дейди Тошкент Олий Ҳарбий Билим юрти курсанти Руслан Рашидов. — Унда кенг дала майдони, лозазорнинг ёзги ёмғирдан кейинги ҳолати тасвирланган. Бу асар менга Сурхонда-

## МАМЛАКАТИМИЗДА

• **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида интенсив дехқончилик тизимида сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тупроқ унумдорлигини оширишнинг ҳуқуқий асосларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.**

• **«Ўзэкспомарказ»да уч кун давом этган Биринчи республика инновация голяри ва лойиҳалари ярмаркасида умумий қиймати 20 миллиард сўмдан ортиқ ўзаро ҳамкорликка оид 400 та шартнома ва ахдлашув протоколи имзоланди.**

• **Қашқадарёнинг Китоб туманида «Асрлар садоси» деб номланган анъанавий маданият фестивали бўлиб ўтди.** «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ташаббуси билан ташкил этилган маъруза тадбирда асрлар давомида сайқалланиб, ривожланиб келаяётган миллий кадриятларимиз, кураш, кўпқари, қўшиқ, рақс сингари жозибали ва мардона ўйинлар намойиш этилди.

• **Жиззах вилоятининг бир гуруҳ тадбиркорлари Хитой Халқ Республикаси саноат ярмаркаларида бўлиб мамлакат мини-технологиялари билан яқиндан танишдилар.** Натижада тадбиркорлар «Aljier import export TRADE Co. LTD» экспорт-импорт компанияси билан қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, енгил саноат, курилиш материаллари ишлаб чиқаришга мўлжалланган, қиймати бир миллион АҚШ доллари миқдоридидаги ускуналар хариди бўйича шартномалар тузиб қайтишди.

• **Ўзбекистон Марказий стадионда Республика ва Қашқадарё вилояти хотин-қизлар кўмиталари, вилоят маданият ва спорт ишлари, ички ишлар бошқармалари ҳамда туман ҳокимлиги ташаббуси билан «Ёшлар йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида ва «Ўзбекистонда яшовчи турли миллат аёллари ва ёшлари гиёвандликка қарши» шиори остида дўстлик форуми бўлиб ўтди.** Унда Қашқадарёда истиқомат қилаётган 25 дан ортиқ миллат вакиллари қатнашди.

• **«Маҳалла» хайрия жамғармасининг Тошкент вилояти бўлими акциядорлик-тижорат банкларининг вилоят бошқармалари билан ҳамкорликда томоққа эгаларига картошка, полиз ва сабзавот экинларининг сара ва сифатли уруғларини чекланмаган миқдорда етказиб берадиган кўчма автодўконлар ташкил қилди.**

• **Фаргона туманининг Лоғон қишлоғида «Қувасойтаъмиркурилиш» МЧЖ саяёҳаракати билан ташкил этилган янги корхона ишга тушгач, ёшлар учун қирқдан ортиқ янги иш жойлари яратилди.** Замонавий ускуналар билан жиҳозланган тармоқ кўнига 6 минг донга шифер тайёрлаш қувватига эга.

• **М.Тошмухамедов номидаги Қашқадарё вилояти мусиқали драма театри актёрлари «Нух кемаси» фалсафий драмасини сахналаштирилди.** Ушбу спектаклнинг премьераси ҳам бўлиб ўтди.

## ЖАҲОНДА

• **Хитойнинг Шэн Чжэнь шаҳрида Далай-лама ҳамда мамлакат маъмурияти вакиллари иштирокида консултациялар жараёни бошланди.**

• **Туркия Президенти А.Гул ўз мамлакатининг Македониянинг НАТО таркибига киришини қўллаб-қувватлашни таъкидлади.**

• **АҚШдаги энг йирик «Calpers» нафақа жамғармаси бош директори Фред Буэностро кутилмаганда истеъфога чиқшини маълум қилди.** Бундан аввалроқ компаниянинг икки нафар юқори мансабдор шахслари ҳам ишдан кетганди. Энг қизиғи, улар жамғармани жаҳон бозорига фаол иштирок этаятган бир пайтда тарк этишган. 2002 йилдан буён «Calpers»ни бошқариб келаятган Фред Буэностронинг бундай қарорга келишининг асл сабаби маълум эмас.

• **Кеча Бағдод шаҳрида Ироқ президенти рафикаси ҳаётига суиқасд уюштирилди.**

• **Кеча Абхазия мудофаа вазирлиги ҳарбий ҳаво кучлари самодара парвоз қилаётган учувчисиз иккита жосус самолётни уриб тугиришди ва уларнинг парчалари топилди.** Абхазия томони самолётларнинг Грузияга тегишли эканлигини таъкидлаётган бўлса-да, расмий Тбилиси бунини инкор этмоқда.

• **Мисрининг Шарм-ал-Шайх курорт шаҳридан эҳромларни томоша қилишга кетаятган россиялик сайёҳлар автобусининг ҳалокатга учраши натижасида турли даражадаги тан жароҳатларини олган 9 нафар сайёҳ кеча мамлакат Фавкуллода вазиятлар вазирлиги самолётида Москвага олиб келинди.**

• **840 нафар йўловчини сиғдирадиган ва 15 минг километргача кўнамасдан парвоз қила оладиган жаҳондаги энг улкан самолёт-А 380ни тайёрловчи «Airbus» компанияси бундай самолётларни ишлаб чиқариш режасини жиждий тарзда қайта кўриб чиқиш ниятида.**

• **Кеча Новосибирск областида черков қўнғирқоқлари чалувчиларнинг фестивали бўлиб ўтди.**

• **Хитойнинг Ханжоу бўғозидида бунёд этилган жаҳоннинг энг узун кўприқларидан бирида автобиллар қатнови йўлга қўйилди.** Хитойнинг энг катта шаҳри бўлмиш Шанхай ва саноат шаҳри Нинбони ўзаро бирлаштирган ушбу кўприқнинг узунлиги 36 километрни ташкил этади.

• **Бразилиянинг Соминос дарёсида ҳаракатланаётган кеманинг ҳалокатга учраши оқибатида 13 киши ҳаятдан кўз юмди.**

Рахшона ТОШПҲАТОВА, «Туркистон-пресс»



Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди

Инсоният тарихида фақат учта олим янги сайёра ни очиб бахтига муяссар бўлган. 1781 йили инглиз олими Гершаль Уранини аниқлаган бўлса, 1846 йили эса немис олими Галле Нептунни кашф этган. Учинчиси америкалик Клайд Тамбодир. Канизасдан 20 ёшли астроном-ишқибоз Тамбо Флатстрафдаги обсерваторияга келиб ўзининг келажакида янги сайёра очиш иштиёқи борлигини айтганда ҳамкасблари унинг устидан кулишган эди. Чунки бу бахт хатто обсерваториянинг асосчиси Ливеллога ҳам мушарраф бўлмаган эди. «Агар бу сайёра кинотда бўлганда эди, — дедилар обсерваториянинг эски хизматчилари Тамбога, — уни аллақачонлар очишган бўлишар эди». «Менга бунинг аҳамияти йўқ, у осмонда борми ёки йўқ, — деб жавоб берди қайсар ишқибоз. — Аммо мен унинг бор ёки йўқ эканлигини билишим керак». Омдани қарангки, интилганга толе ёр, деганларидек, 1930 йил 13 мартда у тайёрлаган фотосуратда номаълум сайёра борлиги аниқланди. Кейинчалик ушбу сайёрага Плутон деб ном берилди.

Автомобиль ҳайдовчиларининг йўлда тешилган баллонга дам — ҳаво бериш жараёнини Англиядаги фирмаларнинг бири осмон ҳал қилиб, ҳайдовчилар учун энг қулай бўлган митти компрессор иختиро қилди. Автомобиль аккумулятордан ишлайдиган бу компрессор бир дақиқада камида 6 литр ҳавони ҳайдаб, катта автомобиль баллонини 90 сонияда ҳаво билан тўлдирди. Ишлатиш жуда осон, қулай.

Венгриянинг «Mezere» заводи помидорни ўзи териб, саралаб, қутларга жойлайдиган комбайн яратди. Бу комбайн қўл меҳнатини тежаб, соатига камида 20 тонна помидорни қутларга жойлайди.

Маълум бўлишича, сайёрада биринчи темир йўл тарихчиларнинг ҳисоб-китобларидан бир неча йил илгари қурилган. 1664 йили қирол Людовик XVI буйруғи билан Париж шаҳрида узунлиги бор-йўғи 100 метр бўлган темир йўл қурилган. Унга қирол тушган арава ўрнатилиб, қўлбанд хизматчилар ёрдамида юргизилган.

Вашингтоннинг Смитсон олий билимгоҳи олимлари Шимолда Америкада яшовчи ҳиндулар бундан уч минг йил муқаддам ҳам тишларини доволатишган деган хулосага келишди. Олимлар ўз-ўзидан бундай хулосага келганлари йўқ албатта. Улар эрамыздан аввалги 1200 йилга таллуқли макбардан аёл бош суягини топдилар. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, бош суякдаги бир неча тиш таркиби номаълум бўлган цемент қоримчаси билан пломбалган экан.

Исроил қишлоқ ҳўжалиги академияси мутахассислари оқ рангли янги зайтун навини етиштиришди. Лойиха раҳбари профессор Шимон Ливининг айтишича, олимлар муайян даражада зайтунлардаги қора рангли пигмент ўсишини тўхтатиш ва шу тарихқа овқатланиш учун ишлатилган оқ зайтун навини чиқаришга муваффақ бўлишди. Янги мевалар кичик бўлганлиги сабабли ҳозирги пайтда каттароқ оқ зайтунни етиштириш мақсадида бошқа навлар билан селекция ишлари олиб борилмоқда.

Мия — инсон ақлий фаолиятини бошқарувчи куч. Одам миёсидagi ўнг ва чап ярим шарлар мезёрида ишлаша, билингики у рисоладагидек умр кечиради. Германиялик фуқаро Зайс Кристофс миёсидagi чап ярим шарлар 1997 йилда операция қилиб олиб ташланган эди. Шифокорлар хулосасига кўра Зайс энди фақат тўшак режимидagi яшаши мумкин эди. Лекин операциядан кейин Зайс нафақат тўлишди, балки аввалгидек ўз мезёрида ҳаёт кечира бошлади. Ҳаттоки илгари мутлақо кузатилмаган расм чишиш қобилияти ҳам намоён бўлдики, бундан Зайсининг ўзи тугул, шифокорлар ҳам ҳайратга тушишмоқда. Ҳаётда шунақа қутилмаган ҳолатлар ҳам учраб турар экан.

Янги Дехлидан Аграга катнайдиган сўнгги моделдаги экспресс поезд йўлга чиқди. Янги поезд йўловчиларни Хиндистон пойтахтидан ўзининг меъморий дурдонаси Тожмаҳал макбараси билан бутун оламга машҳур Аграга бор-йўғи икки соатда элтиб қўяди. Хиндистоннинг ўзида қурилган бу экспресс мавжуд немис модели асосида ишлаб чиқилган ва кўп қулайликларга эга. Унинг тормор тизими аввалги электровозларникига нисбатан пухтароқ, шунингдек, махсус буфер тўсиғи ҳам ўрнатилган бўлиб, у фожиа оқибатларини ҳам камайтиришга қодирдир. Яна бир хусусияти шундаки, экспрессда доимий равишда буфет ишлаб туради. Хиндистон поездларида бундай ҳолатлар камдан-кам учрайди.

Табиблар ва кимёгар олимлар неча неча асрлардан буён инсон умрини узайтириш чора-тадбирларини қидириб келмоқдалар. Доктор Хаммер (АҚШ) ҳам шу масала устида жуда кўп илмий изланиш олиб борган. Бунинг натижасида у «Бутиллаштирилган гидроксилолуол» малҳамини яратди. Бу янги малҳам биринчи марта сиқонларга берилиб, тажрибада синаб қўрилди. Уни истеъмол қилган сиқонлар 20 ойдан кўпроқ малҳам берилмаганлари эса фақат ўн тўрт кун яшади. Ҳақиқатан ҳам узоқ умр кўриш сирларини кўпчилик билгиси келади. Бу ҳақда чиндан ҳам кўпгина мамлакатлардаги геронтолог мутахассисларидан иборат илмий жамоалар тадқиқот ишларини олиб боришмоқда. Олимларнинг кўп йиллик олиб борган ишлари натижасида инсоннинг узоқ умр кўришига ёрдамлашувчи энг муҳим омиллар қаторида улар оқилона овқатланиш ҳамда турар жойни тилга олмақдалар. Шу билан бирга узоқ умр қўришнинг узоқ соғ-саломат яшаш сирини меҳнатда, деб айтмоқдалар. Фаол ижодий меҳнат кишини гафлат йўқисидан ўйготадиган ундаги куч-ғайратни ишга соладиган меҳнатда гап кўп экан. Ҳа, киши ўзининг жамият учун фойдали инсон эканлигини ҳис эттирадиган бунёдкорликда гап кўп.

Финляндиянинг Nokia компанияси ва Япониянинг Sanyo концерни CDMA андозасида ишлайдиган уяли телефонлар ишлаб чиқарадиган қўшма корхона ташкил этишга ҳақида хабар тарқатишди. Экспертларнинг фикрига кўра, янги қўшма корхона аввало Америка бозорига мўлжалланмоқда. Чунки у ерда CDMA андозаси низоҳатда кенг тарқалган Sanyo билан ҳамкорлик ҳозирги пайтда Европанинг мобил телефонлари бозорига етакчилик қилаётган Nokia компаниясига бошқа бозорларда ҳам ўз позициясини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Бир гуруҳ фавослар Тинч океанди Матаги ороли яқинида жойлашган сув ости горларидан бирида тўртта ўта қадимий ҳайвонлар қолдиғига дуч келишди. Денгиз ҳайвоноти ва نباتоти билан шугулланувчи мутахассиснинг айтишича, бўйи 8-10 метр, бош суягининг узунлиги бир метрдан ортиқ бўлган жониворлар ҳеч бир сув ҳайвонларини эслатмайди. Фавосларнинг хайратга солган топилмалар суратга олиниб, олимлар ихтиёрига ҳавола қилинди.

Қодирий, қатагон қурбони бўлган яна бир буюк адиб — Абдулхамид Қўлпон «Мустақиллик» орденига муносиб қўрилди. Ўзбекистонда юздан ортиқ миллат ва элат вакиллари истиқомат қилади. Улар турли соҳаларда фаолият юритиб, мамла

ЭЪТИРОФ ВА ЭҲТИРОМ ТИМСОЛЛАРИ

катимиз ривожига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Конституциямиз ва бошқа тегишли қонунларда мамлакатимизда яшаётган барча миллат ва элат вакиллари ҳурмат тили, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилиниши алоҳида таъкидланган. «Дўстлик» ордени Ўзбекистондаги барча миллат ва элат вакиллари ўртасида дўстлик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустаҳкамлашда катта ютуқларга эришган, халқимизнинг бошқа мамлакатлар халқлари билан дўстлик ва ҳар тарафлама ҳамкорлигини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган фуқароларни мукофотлаш мақсадида таъсис этилган. Қонунда мазкур ордени билан мамлакатимиз фуқароси бўлмаган шахслар ҳам мукофотланиши белгиланган. Ушбу мукофот соҳиблари орасида нафақат юртдошларимиз, аниқ чоғда бошқа мамлакатлар фуқаролари, хорижий элчихона ва ваколатхоналар, халқаро ташки

ликаимизнинг миллий хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши курашда, ҳарбий бурчини ёки хизмат бурчини адо этиш вақтида кўрсатган мардлик ва жасоратлари учун «Жасорат» медали билан тақдирланиши йўлга қўйилгани бунинг яққол ифодасидир.

«Жасорат» медали билан шунингдек, турли табиий офат, ёнғин ва бошқа фавқулодда ҳолатлар вақтида жамоат тартибини сақлашда, одамлар ҳаётини, давлат ва жамоат мулкни асраб қолишда фидойилик кўрсатган кишилар ҳам мукофотлангандилар. Ушбу медал билан ҳозирга қадар мардлик ва жасорат кўрсатган қўлбанд юртдошларимиз тақдирланди.

«Шўҳрат» медали билан мамлакатимиз иқтисодиёти, фани ва маданиятини ривожлантиришга, ёш авлодни ватанпарварлик, миллий истиқлол ва ижтимоий тараққиёт голярига садоқат руҳида тарбиялашга ўзининг ҳалол меҳнати билан катта ҳисса қўшаётган кишилар тақдирланади.

Ҳозирга қадар юзлаб юртдошларимиз Ватанимизнинг ана шу юксак мукофотлариغا сазовор бўлдилар. Яхшилик бунёд этаётган, турмушининг оғир-ёнглини, тараққиёт юқини ўз елкасига олиб яшаётган ва шу тарихқа эртанги ёруғ кун учун қурашаётган бундай фидойи кишиларнинг гайрат-шижоати, матонат овоз юртимизнинг қудратига қудрат, бойликларига бойлик қўшмоқда.

Олим ТўРАКУЛОВ, ЎЗА шарҳловчиси

«ОЛТИН ҚАЛАМ»НИНГ ЯНГИ СОВРИНДОРЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Маросимда сўзга чиққан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Фулмонов Президентимиз Исроил Каримов раҳнамолигида миллий матбуотни, оммавий ахборот воситаларини изчил ривожлантириш борасида амалга оширилган ишлар ўз самараларини бераётганини таъкидлади. Бу йўналишда мукамал иқтисодий ва ҳуқуқий қаролатларнинг яратилгани оммавий ахборот воситаларининг юртимиз тараққиёти стратегиясида тобора мустаҳкам ўринга эга бўлиб бориши, барча соҳалардаги ислохотларнинг аҳамиятини, мазмун-моҳиятини, янги ҳаёт, янги жамият қуриш йўлидаги эришган ютуқларимизни ўз вақтида, ҳолис ва ҳаққоний тарзда халқимизга етказиш имконини бермоқда.

Бугунги кунда юртимизда мингдан ортиқ оммавий ахборот воситаси фаолият олиб бормоқда. Уларнинг эркин ва мустақил фаолият юритиши, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, журналист ва техник мутахассислар касбий маҳоратини юксалтириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасида кенг қўламадаги ишлар амалга оширилмоқда. Аниқ пайтда юртимизда ахборот алмашинувини изчил йўлга қўйиш, интернет журналистикасини жадал ривожлантириш, аҳолининг ахборотларга бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондиришга алоҳида эътибор қаратилмақда.

Оммавий ахборот воситалари ривожини йўлида кўрсатилаётган бундай эътибор ва ғамхўрлик соҳа ходимларидан янада фойдаланиш, Ватанимиз миллий манфаатларининг дунё миқёсида ишонли ҳимоясига айланиши талаб этмоқда. Бир неча йилдирки, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда «Олтин қалам» Миллий мукофоти учун халқаро танлов ўтказиб келмоқда. Ушбу ижодий беллашувдан кўзланган асосий мақсад миллий ва халқаро журналистиканинг илғор ютуқларини омалаштириш, журналистларнинг фуқаролик позициясини намоён этиши учун шароит яратиш, ижодкорларда танқидий фикрлаш ва ўз фаолиятига янгича ёндошушни шакллантириш



дан иборатдир. Шу билан бирга, танлов изланувчан, ташаббускор, фидойи, қатъият қаламкашларни аниқлаш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга, янги ижодий марралар сари давъат этишга хизмат қилмоқда.

Танловнинг журналистика соҳасидаги бош миллий мукофотини қўлга киритган «Ўзбекистон» телерадиоканали — директор Хуршид Даврон — махсус диплом ҳамда энг кам иш ҳақининг 200 баравари миқдорда пул мукофотиغا сазовор бўлди. Танловнинг телевидение, радио, даврий нашр ва интернет журналистикаси бўйича, шунингдек, рағбатлантирувчи мукофотлар бўйича совриндорлари аниқланиб, пул мукофоти билан тақдирланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Орипов сўзга чиқди.

Назокат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири

ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА «ОЛТИН ҚАЛАМ» III МИЛЛИЙ МУКОФОТИ ҒОЛИБЛАРИ ВА СОВРИНДОРЛАРИ

Журналистика соҳасидаги бош миллий мукофот «Ўзбекистон» телерадиоканали — директор Хуршид Даврон. Мамлакатни модернизациялаш ва янгилаш жараёнида ҳамда республикада юз бераётган муҳим ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳодисаларни кенг ёритгани учун.

Асосий номинациялар Энг яхши журналистик материал учун Телевидение: 1-ўрин: Комилжон Шамсидинов — «Ўзбекистон» телерадиоканали «Ахборот» инфор

мациянинг бош муҳаррири ўринбосари. Тошкент шаҳрининг Мустақиллик майдони ҳақидаги «Сен — тинчликсан, сен — саодат, сен — эрксан» ҳамда Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига бағишланган «Шомдан тонггача» бадий-публицистик видеофильмлари учун.

2-ўрин: Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари Миллий ассоциацияси Ахборот марказининг «Худуд» ахборот-таҳлилий дастури — бош муҳаррир Бахтиёр Тўраонов. Мамлакат худудларидаги демократик, ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ўзгаришларнинг боришини кенг ёритгани учун.

3-ўрин: Саодат Омонова — «Ёшлар» телерадиоканали «Давр» ахборот кўрсатувлари бош муҳарририяти шарҳловчиси. Парламент фаолиятини ёритишга бағишланган туркум ахборот-таҳлилий материаллари учун.

Радио: 1-ўрин: Азимжон Пўлатов — «Ўзбекистон» телерадиоканали «Ахборот» муҳарририяти бўлими мудири. Хавфсизлик бўйича долзарб масалалар, хусусан, халқаро терроризм, диний экстремизм ва экология муаммоларига бағишланган радиозинтиришлари учун.

2-ўрин: Тўлқин Ёрқулов — «Спорт» телерадиоканали шарҳловчиси. Ёшлар мавзусига бағишланган туркум радиозинтиришлари учун.

3-ўрин: Хуршидабону Йўлдошева — «Рухсор FM» радиостанцияси мухбири, Марғилон шаҳри. Ўзбек халқининг анъаналари ва қадриятларини сақлашга бағишланган радиозинтиришлари туркуми учун.

Матбуот: 1-ўрин: Жаҳонгир Исмоилов — «Бухоронома» ва «Бухарский вестник» газеталари бош муҳаррири. Мамлакатнинг таълим соҳасидаги ҳамда ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ислохотларни ёритган материаллари учун. 2-ўрин: Михаил Егоров — «Зеркало XXI» газетаси бош муҳаррири. Ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий мавзудаги материаллари учун. 3-ўрин: Нодира Манзурова ва Ирода Умарова — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбири. Ўзбекистонда юз бераётган ички сиёсий воқеалар ва халқаро қўламадаги тадбирларни тезкорлик билан ёритишгани учун. Интернет-журналистика: 1-ўрин: «Uz report.com» Интернет портали — директор Равшанхон Жўраев. Ўзбекистондаги инвестицион муҳитни ҳамда ижтимоий-иқтисодий жараёнларни атрафчилик ёритгани учун. 2-ўрин: Аймурат Алиянжонов — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон Республикаси бўлимининг Тил ва адабиёт институти директори. Диний мавзудаги таҳлилий материаллари учун. 3-ўрин: Бехзод Ҳожиматов — «Регион информ» Ахборот хизмати бош муҳаррири. www.Region.uz сайтидаги ижтимоий-сиёсий мавзудаги материаллари учун. Рағбатлантирувчи мукофотлар Журналистика ривожига қўшган ҳиссаси учун: Сайди Умиров — ЎзДМУ халқаро журналистика факультети кафедра мудири. Борис Кнопов — «Общественные науки в Узбекистане» журналининг масъул котиби. Фаол фуқаролик позицияси учун: Тўлқин Эшбеков — ЎзМУ журналистика факультетининг катта ўқитувчиси. Ижтимоий-сиёсий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун: Фарҳод Бобонозов — «Ўзбекистон» телерадиоканалининг Ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий дастурлар бош муҳарририяти катта муҳаррири. Ижтимоий-иқтисодий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун: «Давр овози» — Фарғона вилояти Олтиариқ тумани газетаси таҳририяти — бош муҳаррир Олимжон Ҳакимов. «Ёшлар йили»га бағишланган энг яхши материал учун: Гулбахор Азимова — «Молодежь Узбекистана» газетаси мухбири. Маънавий-маърифий мавзудаги энг яхши материал учун: Абдували Кутбидинов — «Халқ сўзи» газетаси мухбири. Ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги энг яхши материал учун:

Чориқули Насриддинов — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Қучлари Чирчиқ олий танк кўмондон-муҳандислик билим юрти доценти.

Энг яхши журналистик текширув учун: Комилжон Қодиров — Мустақил журналист.

Мураккаб шароитларда (фавқулодда вазиятлар, атроф-муҳит ва экология муаммолари) тайёрланган энг яхши репортаж учун: Шавкат Махбубов — Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги Марказий офицерлар саройининг Ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси бўлими бошлиғи.

Энг яхши режиссёрлик иши учун: Лutfия Рўзибоева — Ўзбекистон Миллий телерадиоканалининг «Ўзбекистон» телерадиоканалининг «Қизлар давраси», «Ўзбегим ўғлонлари» кўрсатувлари режиссёри.

Йилнинг энг яхши дебюти учун: «Келажақ овози» ёшлар телестудиялари лойихаси — лойиха раҳбари Баҳодир Шарофов.

Энг яхши фоторепортаж учун: Абу Кежаев — «Постада» — «На посту» газеталари фотомухбири.

Энг яхши карикатура учун: Радик Азизов — Ўзбекистон Бадий академияси сектор мудири.

Чет эллик журналистнинг Ўзбекистон тўғрисидаги энг яхши материал учун: Аммор ал-Санжарий — «Ал-Баён» газетаси ва Шаржа амирлиги телевидениеси /Бирлашган Араб Амирликлари/ мухбири.

Халқаро ташкилотларнинг рағбатлантирувчи мукофотлари: БМТ

Ёшлар мавзусини ёритгани учун: 1. Марина Низовова — «Молодежь Узбекистана» газетаси мухбири. 2. Жамила Хайдарова — «Фунча» журналы масъул котиби. 3. Гулзабо Иброҳимова — «Ёшлар» телерадиоканали муҳаррири.

ЮНЕСКО Маданият, фан ва таълим мавзуларини ёритгани учун: 1. Ильвара Мамажонова — «Ёшлар» телерадиоканали «Истикбол» теленойihalар студияси раҳбари. 2. «Ироқ» журнали таҳририяти (бош муҳаррир Ҳамза Жумаев).

Жаҳон банки Кишлоқ ҳаётининг барча жиҳатларини мукамал ёритгани учун: Моҳинож Камолова — «Ўзбекистон» телерадиоканали Ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий дастурлар бош муҳарририяти бош муҳаррирининг ўринбосари.

БИЛИМДОНЛИК КҮРИГИ ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).


Бу йилги 42-Менделеев олимпиадасида энг яхши кимёгар унвонига эга бўлиш учун 15 та мамлакатнинг 100дан ортиқ энг иқтидорли ўғил-қизлари бор куч-маҳоратларини ишга солган ҳудудга ўзларо баҳс юритишди. Ўзбекистон номидан ун нафар фарзандларимиз олимпиадада қатнашди, бундан ташқари, ташкилотчи мамлакат бўлганимиз боис яна бешта мактаб ўқувчиси захира, сифатида мазкур олимпиадага йўлланмани қўлга киритишга муваффақ бўлди.

Ўзбекистон жамоаси вакиллари ақл-идрок бобида тенгқурларидан анча устун келиб, энг кўп биттадан олтин ва кумуш ҳамда саккизта бронза медалини қўлга киритишди. Қувонарлики ана шундаки, захирада қатнашган ўқувчи ёшларимиздан уч нафари бронза медални, икки нафари эса махсус диплом билан тақдирланди.

Тошкент Тиббиёт-педиатрия институти қошидаги академик лошдаги ўқувчиси Анвархўжа Мақсудхўжаев мазкур олимпиадада олтин медални қўлга киритиш билан бирга «Энг яхши амалиётчи» унвоинига ҳам сазовор бўлди.

— Бу галаба устозларим муваффақиятидир, — дея таъкидлади Анвархўжа. — Келажақда кимёгар ёки шифокор бўламан. Бу борада, очигини айтганда, ҳозирча аниқ бир тўхтамага келганим йўқ. Лекин қайси соҳа бўлмасин, малакали мутахассис сифатида етишиб чиқиб, ўз юртим келажақига муносиб ҳисса қўйишга ҳаракат қиламан.

Менделеев олимпиадасининг қўламини йил сайин кенгайиб бораётгани шохидимиз. Дарҳақиқат, ақл-идрок форуми дея эътироф этилаётган кимё олимпиадасида бу йил МДХ давлатларидан ташқари, Руминия ва Болгария мамлакатлари вакиллари ҳам қатнашди. Айниқса Россия, Беларуссия, Эстония давлатлари ёшлари ўз истеъодларини ёрқинроқ намоён этишган бўлса, Украина жамоаси эрта олтин нишонини қўлга киритишга муваффақ бўлди. Шу мамлакат вакили Кирилл Колесников эса «Назария бобида энг яхши ўқувчи» унвоинига сазовор бўлиб, деярли 180та — бошқаларга қараганда ўрта ҳисобда 15тадан кўпроқ балл тўплашга эришди.



— Ўзбекистонга ўз имкониятларини синаб кўришга келганим, ammo бундай натижага эришишни ўйламаганим ҳам, — дейди Кирилл. — Бу меннинг илк муваффақияти, дедик, Тошкент мен учун азиз шаҳар бўлиб қолади. Бу ерда кўплаб дўстлар орттирдим, ният қиламанки, бизнинг дўстлигимиз доимий бўлиб қолади.

— Олимпиада — бу шунчаки медаллар, мукофотлар учун беллашув эмас, балки билим, иқтидорлар намоён шидир. Биз, ташкилотчиларнинг мазкур олимпиада ҳақиқий билимлар байрами бўлиб қолиши йўлида қилган ҳаракатларимиз зое кетмади деб ўйлайман, бунга меҳмонларимизнинг қайфияти, фикр-мулоҳазалари ҳам далилдир, — дейди Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири Ғайрат Шоумаров. — Фурсатдан фойдаланиб, устозларга, ўқитувчиларимизга миннатдорчилик билдириш, эро фарзандларимизнинг истеъоди, турмуш қобилиятига эътиборли бўлиб, уларни намоён этишларида устозларимизнинг хизматлари катта. Айтмоқчи, манки, болаларнинг ҳаммаси истеъодли. Фарзандларимизнинг билимдон, ақли бўлиб ўсишларида эса айнан ўқитувчиларнинг хизмати беқисс. Шу боис биз сизни улуғлаймиш, эъзозлаймиш, азиз устозлар!

15 та мамлакат вакиллари иштирокида ўтказилган билимдонлар олимпиада синовларида Ўзбекистон шаънини муносиб ҳимоя қилган ва ютуқларни қўлга киритган барча ёшларимизга ташаккур билдириб, доимо маррарни мана шундай олишларига тилак билдириб қоламиз. ИЛЬМАРА ЗАЙНУДИНОВА Наталья Семёнова олган суратлар



